

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

МАВЗУ: АРАСТУ ВА ИБН СИНОДА ФАНЛАР
КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: Гофуров Б.А.

Бажарди: Холматова Мафтуна

Гулистон- 2014

Кириш:

I Боб. Арасту фалсафаси ва унда фанлар классификацияси муаммоси.

1.01. Арастунинг фанлар классификацияси концепцияси

1.02. Арасту классификациясининг ўз даври учун илғор, система қурувчи характери ва аҳамияти.

II Боб. Шайх-ур-раъис Абу Али ибн Сино фалсафаси ва унда фанлар классификациясининг ўрни.

2.01. Арасту фалсафаси, унинг фанлар классификациясининг Шарқ фалсафаси ва Ибн Сино қарашларига таъсири ҳамда аҳамияти.

2.02. Ибн Синонинг фанлар классификацияси ҳақидаги таълимотининг ўзига ҳослиги ва принциплари.

2.03. Ибн Синонинг фанлар классификациясининг универсал, фундаментал характери ва аҳамияти.

Хулоса.

Манбаалар ва тавсия этиладиган адабиётлар.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги юксак ахборотлашган жамият, коммуникация имкониятлари ривожланган даврда ҳам илм-фан, техника ва юксак ахборот технологияларига бўлган эҳтиёж ўсгандан ўсиб бормоқда. Бу илм-фанга, фалсафага қизиқиш, унинг натижалари, кашфиётларига эҳтиёж нафақат Ғарбда, балки қадимги ва ўрта аср Ғарби ва Уйғониш даври, Янги даврларда ҳам муттассил кучайиб, ортиб борган. Бундай қизиқиш айниқса қадимги ва ўрта аср Шарқ мамлакатларида орта бошланган ва кучли эди.

Фанлар классификацияси масаласи илм - фанда қадимдан ўзига хос муаммолардан бўлиб ҳисобланади. Бу муаммо юзасидан Антик даврда Арасту, ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида эса Киндий, Форобий, Ибн Сино, Хоразмий каби кўплаб олим, файласуфлар ўзларининг илм-фан, фалсафий илмлар таснифларини қолдирганлар ва уларнинг бу буюк илмий - фалсафий мероси ўз даври учун ҳам, ўзларидан кейинги барча даврлар учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлган.

Ватанимиз, халқимизнинг улуғ олиму-фузало фарзандлари Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур каби мутафаккирларнинг жаҳон илм-фани миқёсидаги кашфиёт, ютуқларини мамнуният билан қайд этар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият - енгилмас куч” китобида бу мутафаккирларнинг жаҳон илм-фани, фалсафий тафаккури тараққиётига қўшган ҳиссалари, айниқса фундаментал, илмий-фалсафий муаммоларни, ҳамда фанлар таснифи классификацияси соҳалари билан боғлиқ эканлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлаган эдилар¹. Ҳурматли юртбошимизнинг юқоридаги фикрларидан ҳам кўриниб турибдики биз танлаган ушбу БМИ шу маънода ўз аҳамияти жиҳатидан ўта долзарб мавзулардан бири бўлиб ҳисобланади.

¹ Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият. 2008. 41–44-бетлар.

Мавзунинг тадқиқ этилиш даражаси. Юқорида қайд этиб ўтганимиздек ушбу масала ўзининг долзарблиги билан барча даврлар илм-фан аҳллари кизиқтириб келган. Ушбу масала юзасидан Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам жуда кўп олимлар изланишлар олиб борганлар. Арасту ва Ибн Синода фанлар классификацияси мавзусини Ғарбий Европада, Россияда, Ўзбекистонда ҳам кўплаб илм-фан, фалсафа тарихини ўрганган мутахассислар К.Брокельман, Ж.Сартон, И.А.Сергеева, А.Рожанская, В.П.Кахановский, У.М.Каримов, М.М.Хайруллаев каби олимлар шуғулланганлар.

Юқорида номлари зикр этилган муаллифлар қадимги ва ўрта асрларда Ғарбда ва Шарқда:

- 1) Фанлар классификацияси тарихини умуман муаммо сифатида қўйганлар;
- 2) Ўзларининг алоҳида-алоҳида фан классификацияларини ўрганиш принципларини ишлаб чиққанлар;
- 3) Фанлар классификациясининг жамият тараққиёти, шу жумладан ҳозирги илм-фан, технологиялари учун зарурлигини кўрсатиб берганлар;
- 4) Фанлар классификациясининг илми-фан тараққиёти учун, айниқса фалсафий фикр тараққиёти учун фавқулодда ўзига хос ўрни ва аҳамиятини очиқ беришга ҳаракат қилганлар;
- 5) Уларнинг баъзилари фанлар классификацияси ва фан тарихини даврлаштириш муаммолари билан ҳам шуғулланишган;
- 6) Фанлар таснифини билиш шахснинг олам ҳақида, инсон ҳақида, жамият ҳақидаги илмий дунёқарашини кенгайтириши, умуман оламнинг илмий манзарасини шакллантиришдаги фавқулодда муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатиб, исботлар берганлар.

Битирув малакавий ишнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг бош мақсади фан классификациясига бўлган эҳтиёж, Арастунинг қадимги дунё Ибн Синонинг ўрта асрларда илм-фан тараққиётини умумлаштириб яратган классификацияларини қиёсий

ўрганиши фалсафа, шахс фалсафий дунёқарашини шакллантиришидаги ўрни, таъсири ва аҳамиятини очиб беришдан иборатдир.

Бу битирув малакавий ишимизнинг бош мақсади конкрет илмий-фалсафий муаммоларни ҳал қилиш, тадқиқ этишни тақозо этган ҳолда куйидаги асосий масалаларга эътиборни қаратишни назарда тутди:

1) Фанлар классификацияси ва унинг принципларини, моҳиятини, аҳамиятини очиб бериш;

2) Арасту асослаб берган фанлар классификациясининг асосий принциплари ва ўзига хослигини, илғор система қурувчи характерини, аҳамиятини кўрсатиб асослаб бериш;

3) Ибн Синода фанлар классификациясининг ўзига хослигини, унинг илғор, системалаштирувчи принципларини аниқлаб бериш;

4) Ғарб ва Шарқдаги фан тараққиётида Арасту ва Ибн Синолар илгари сурган, қўллашган фан классификациялари ўртасидаги ворисий алоқадориликни кўрсатиб бериш;

5) Арасту ва Ибн Синоларнинг фанлар классификацияси ҳақидаги таълимотларининг ҳозирги кунда одам, шахс фалсафий дунёқарашини шакллантиришдаги ўрнини кўрсатиб, исботлаб бериш.

Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги. Арасту ва Ибн Синонинг фанлар таснифида фан, фалсафа тараққиётидаги фавқулодда катта илмий кашфиёт эканлиги, илм-фан, фалсафанинг тезкор ривожланишидаги ўрни ва таъсири кўрсатиб, ҳозирги ёшлар, шу жумладан бакалавр талабалар илмий, фалсафий дунёқарашини шакллантиришда фойдаланиш, ибрат, намуна эканлигини кўрсатиб бериш.

Битирув малакавий ишнинг назарий-методологик асослари. Ушбу БМИнинг назарий-методологик асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг илм-фан, фалсафа, маданият соҳаларидаги буюк алломаларимиз яратган илмий кашфиётларни дунёга танитиш, Шарқ халқларига хос илм-фан, фалсафа қадриятларини тиклаш, ёшларни ана шу қадриятлар руҳида тарбиялаш, шунингдек уларнинг асл

миллий ва замонавий илмий-фалсафий тафаккурини шакллантириш, тарбиялашга оид фикр-мулоҳазалари, хулоса ва ечимлари, аниқса “Юксак маънавият - енгилмас куч” асаридаги назария методологик кўрсатма, хулосалар ташкил этади.

Битирув малакавий ишнинг назарий ва амалий аҳамияти. Ушбу БМИда эришилган натижалар, хулосалар, фанлар классификациясига оид қимматли ва нодир маълумотлар талабалар томонидан илм-фан, фалсафа ривожининг энг муҳим фундаментал муаммо, принципларини назарий чуқур билиш, тасаввур қилишга ёрдам беради.

Бундан ташқари иш ўзига хос амалий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, бу ёш авлод талабаларнинг илмий-фалсафий дунёқарашини кенгайтириш учун асос вазифасини ўтайди.

Қолаверса Арасту ва Ибн Синоларнинг фанлар классификацияси юзасидан қарашларига оид нодир манбаавий маълумотлар асосида ўқув-қўлланмалари тузиш, шу мавзуда 10-12 соатлик Махсус курслар ўқиш, талабалар илмий конференциялари, давра суҳбати, “Думалоқ стол” атрофидаги баҳс-мунозалар учун асос бўлиши мумкин.

Битирув малакавий иш мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотнинг апробациядан ўтиши. Мавзу 2010 йил __ сентябрда ГулДУ “Миллий истиқлол ғояси ва фалсафа” кафедрасида М.Холметованинг БМИ мавзуси сифатида тасдиқлаб берилган (Кафедра масжили ўтказилган сана, № Пр.)

Битирув малакавий ишга раҳбаар этиб фалс.ф.н. доцент А.Зоҳидий тасдиқлаб берилган. Шунингдек 2010 йил сентябр-октябр ойларида М.Холматова доц.А.Зоҳидий маслаҳат-кўрсатмалари асосида, ушбу БМИ тадқиқотни амалга оширишнинг маромий календар иш режасини тузиб чиққан.

Ушбу БМИ ГулДУ «Миллий истиқлол ғояси ва фалсафаси» кафедрасида 2010 йил __ февралда дастлабки муҳокадан ўтган ва ҳимояга тавсия этилган.

Битирув малакавий иши натижалари, мавзулари бўйича М.Холматова талабалар конференцияларида маъруза қилган, ўз гуруҳи талабалари орасида шу мавзуда баҳс-мунозаралар ўтказган.

Битирув малакавий ишни таркибий тузилиши, ҳажми. Ушбу БМИ 2 боб, 5 фаслдан иборат 60 бет ҳажмда тақдим этилган.

I Боб. Арасту фалсафаси ва унда фанлар классификацияси муаммоси.

1.01. Арастунинг фанлар классификацияси концепцияси

Аристотел (Арасту) Эгей денгизининг шимоли – ғарбидаги Македонияга яқин Стагир вилоятида милоддан аввал 384-йилда туғилган. 367-йилда Афинага келиб Афлотун вафотигача (20-йил) шу ерда бўлади. 343-йили Филапп ўғли Искандар тарбиячиси сифатида таклиф қилинади. 335-йилда Афинага қайтади ва ўзининг Ликей пертнатетиклар (сайр қилиб юриб илм ўрганувчилар) мактабини тузади. Эвбейдан динга қарши курашчи сифатида таъқибдан қочиб юрган вақтда Халкидада вафот этади. Шарқда Арасту “Муаллим ал- аввал” “Биринчи муаллим” номи билан машхур бўлган.

Унинг асарлари мазмун жиҳатдан еттига бўлинади: мантиқий Категориялар, физикавий Само ҳақида , биологик ҳайвонлар тарихи , ахлоқий Никомахиотикаси , ижтимоий- сиёсий Сиёсат , санъат шеър ва риторика , поэтик Поэтика.

Арастунинг билим чегараларига кировчи илмларни санаб ўтсак, унда мантиқ , психология, билиш назарияси, борлиқ ҳақидаги таълимот ,космология, физика, педагогика, этика, риторика, эстетика, сиёсий иқтисот, шеърятни қайт этиш зарур. Арасту табиатшуносликда зоология , ҳайвонлар анатомиясини қиёсий ўраниш ва ботаника каби йўналишларини кашф этди ва уларни алоҳида фанга ажратди.

Бевосита илмлар таснифини Арасту ўзининг “Метафизика” , “Тоника”, “Никомах этикаси” асарларида кўриб чиқади. Ҳар бир алоҳида илм , Арасту фикрича, ўзига хос мантиқий шаклига эга ва ўзича алоҳидаликни акс эттиради. Афлотун фикрича эса барча илмлар маълум табақалар тизимидан иборат ва энг олий табақа ғоялар табақасидир. Арасту фикрича эса барча илмлар учун ягона табақали тизим бўлиши мумкин эмас.

Арасту ўз фалсафий тизимини (системасини) , бошқача қилиб айтганда асосий илмни, бирламчи фалсафани учга бўлади.

Биринчи , олий мавқени назарий илмларга ажратади ва улар предмети асосини ҳар бир илм бошланиши ва сабабини билиш ташкил этади. Унга аналитика (мантиқ) , физика, математика , метафизика кирази ва ўз объекти сифатида борлиқни олиб ана шу илмлар томонидан ўрганади.

Иккинчи, амалий қисм этика , иқтисод ва сиёсатни қамраб олади . Амалий фаолият эса ижод шароитини белгилайди ва ана шу ижодий ёки тасвирий фанлар шеърят, риторика (бадиъ) ва санъат учинчи қисмни ташкил этади. Арасту фикрича илмлар фарқининг асосини улар объектив воқелиқни ўрнанивчи йўналиш ташкил этади. Шу билан борга физика математикага қараганда муҳимроқ мавқега эгаллини кўрсатади. Натижада унинг таснифи қуйидаги шаклда акс этади:

I. Назарий илмлар :

1. Мантиқ
2. Физика (табият) ва биология
3. Математика (риёзиёт)
 - а) арифметика (ҳисоб)
 - б) геометрия (ҳандаса)
4. Метафизика

II. Амалий илмлар :

1. Этика (ахлоқ)
2. Иқтисод
3. Сиёсат

III. Ижодий илмлар :

1. Риторика (бадиъ)
2. Поэтика (шеър)
3. Санъат (музыка)

Худди шу масала, яъни илмлар таснифи Зенон (мил.ав.336-264) ташкил этган фалсафий мактаб –стоиклар ҳам кўриб чиккан ва энамиздан

оллингн IV асрда илмларни уч қисмга :физика, мантиқ, этикага ажратган. Шундай тақсимотни биз Эникуода (мил.ав.342-270) ҳам учратамиз .

Илмдар таснифи масаласи Антик Юнон олимоани танафидан фикрлар ривожланишига қўшган ҳиссаси натижасида пайдо бўлди ва шаклланди. Улар илмлар таснифи масаласини ишлаб чиқдилар ва унга асос солдилар. Шарқ олимларига катта таъсир кўрсатди ва уларнинг асарларида ўз давоми ҳамда ривожини топди.

Унинг фикрича билим оддий нарсаларни ўрганишдан, моддий борликни билиш унинг асосий томонлари сон ва сифатини ўрганишдан бошланади ва шу сабабдан бошқа барча билимлар асосини математик илмлар ташкил этади. Математикадаги арифметика ва мутаносиблик (гармония, мусика) сон билан боғлиқ, хандаса ва астрономия эса сифат билан. Математикадан кейин эса мантиқ, физика, психология, метафизика , этика, сиёсат келади. Шундай қилиб , у математикага алоҳида ўрин ажратади ва фалсафа илм сифатида математикага асоланади деб ҳисоблайди. Математикани ал-Киндий фикрича сон ҳақидаги фан, мусика, хандаса ва юлдузлар ҳақидаги илм ташкил этади. Биринчисига шунчаки сон, яъни саналиш, қўшиш ва айириш мумкин бўлган миқдор киради. Фалсафани тўлиқ билиш фақат математик фанларни эгаллагандан кейингина мумкин.

Кимёни яхши билган ал-Киндий алхимикларга (асосий фикри оддий металллардан қимматбаҳо металллар, яъни олтин ва кумуш олишга ҳаракат қилган ўрта асрлик олимлар. Алхимиклар айни пайтда ҳозирги кимёнинг асосчиларидирлар) қарши чиқади. Унинг фан олдидаги асосий хизмати биринчи бўлиб табиий фанлар ва фалсафий прогрессив фикрни Яқин ва Ўриа Шарқда ривожланишига Юнон , Ҳинд ва Хитой мутафаккирлари меросини бу ерда ўрганилиши , улар ижобий анъаналари тарқалишига асос солди ҳамда шу билан бир қаторда ўзи илғор фалсафий фикр ва табиий фанлар ривожланишига катта ҳисса қўшди.

Ал-Киндий илмлар таснифининг илғор талимоти асосчиси бўлди. Унинг нарсаларнинг объектив хусусияти, ташқи олам ва унинг турли ҳолатларини аниқлашга асослашган илмлар таснифи илм предмети ва вазифаларини ўрганишда катта роль ўйнади.

Ал-Киндийнинг “Арасту китобларининг сони ва фалсафани эгаллаш учун нима кераклиги ҳақида” асарида баён этилган илмлар таснифи куйидаги шаклда акс этган:

1. Назарий фалсафа.

2. Риёзиёт.

а) Сон ҳақидаги илм;

б) Ҳандаса;

в) Мунажжимлик (юлдузшунослик) юлдузлар, фалак тузилиши ҳақидаги илм;

г) мутаносиблик (мусиқа, товуш мутаносиблиги, гармония).

3. Табиёт – физика.

а) Табиий жисмларга умумий бўлган нарса (хусусият);

б) Астрономия;

в) Пайдо бўлиш ва йўқ бўлиш;

г) Осмонда, ер юзида ва унинг қаърида пайдо бўлиш ва йўқ бўлиш;

д) Миниралогия;

е) Ботаника;

ж) Зоология.

4. Метафизика.

4.1. Жисмлар таркибида бўлмаган, лекин баъзида жисмлар билан биргаликда мавжуд бўлган нарсалар

а) нафс (рух) ҳақида;

б) қабул қилиш ва қабул қилинаётган нарса ҳақида;

в) уйқу ва бдорлик ҳақида;

г) ҳаётнинг узунлиги ва қисқалиги ҳақида.

4.2. Амалий фалсафа.

- а) Ахлоқ (этика);
- б) Уй хўжалиги (хусусий бошқарув – иқтисод);
- в) Сиёсат.

Ал-Киндий фикри ва таълимоти араб тилида ижод этган кейинги олимларга катта таъсир қилди. Улар қаторида ар-Розий, Форобий, Ибн Сино, Беруний ва бошқаларни қайд этиш мумкин.

Ўрта асрларда араб тилида ижод этган олимлар бутун бир таснифлар тизимини (системасини) тузиш билан бир қаторда илмий яъни бир илм ёки илм соҳасини ўз ичига олувчи таснифларни ҳам тузганлар. Ана шундайлар қаторида Абу Бакр ар-Розийнинг таснифини кўриш мумкин.

Тулик билим берадиган илмдир. Шу сабабдан Фаробий фалсафа тарихини нихоятда синчиклаб урганган. Қадимий Юнон мутафакирлари асарларининг тарғиботчиси ва айниқса Арасту фикрлари ҳамда гоёларини шарқда тарқалишида катта аҳамиятга молик ишларни амалга оширган. Яна бир бор таъкидлаймиз, шунинг учун у «Муаллим ас- соний» деб танилган.

Унинг «Фалсафани урганишидан олдин нимани билиш кераклиги тугрисида»ги рисоласи Арастуни ҳақиқатда ҳам яхши билганлигидан уз даврнинг буюк назарийчиси ва истеъдодли фалсафа тарихчиси бўлганлигидан далолат беради.

«Бахт саодатга эришув ҳақида рисола»да Фаробийнинг турли кишилар томонидан фалсафа илмини эгалашга муносабати ифодаланади. «Назарий билимларни (фалсафани) эгалламокчи бўлган киши нарсаларнинг ҳақиқат ва моҳиятига тушуниб етиши уни тасаввур қила олиши учун уткир зехн ва заковат эгаси бўлиши шартдир», дейди.

Унинг айрим илмлар предметига бўлган қарашлари анча диққатга сазовордир. У тиббий ғарчи бевосита шугулланмаган бўлса ҳам яхши билган ва узининг «Инсон аъзолари ҳақида»ги рисоласида: «Тибб ҳунарини объект иinson танаси ва унинг аъзолари ... вазифаси эса

вужудни соглом холда саклаш ҳамда касаликлардан куткаришдан иборат», дейди.

Фаробийнинг астрономия (илму н нужум) астрология, кимиё, мусика ва бошка илм соҳасида ҳам куп Янги уз даврига нисбатан илгор фикрлари бор. Шундай килиб илмларнинг барчасидан чукур маълумотга эга булган Фаробий уз даври ва кейинчалик ҳам кулланиб келган Шарқдаги энг мукаммал илимлар таснифининг асосчиси ҳисобланади.

Мавсуъий билим эгаси Фаробий илмлар таснифига бўлган муносабатини “Эвклиднинг биринчи ва бешинчи рисоаларининг кириш қисмидаги ноатин жойларига шарҳлар ҳақида сўз”, “Мантиққа кириш”, “Бахт саодатга эришув ҳақидаги”, “Фанлар келиб чиқиши ҳақида”. “Илмлар таснифи ва таърифи ҳақида китоб” (“Китоб фи ихсоал-улум ва-т-тариф”) ёки қисқача “Ихсо ал-улум”да баён этади. “Фанларнинг келиб чиқиши ҳақида”, аслида “ Ихсо ал-улум”нинг қисқартирилган ва бир оз ўзгартирилган варианты бўлиб, ундан кам фарқ қилади.

“Ихсо ал-улум” Шарқда ва Ғарбда муфассал ўрганилган, кўп маротаба шарҳланган ва лотин тилига 2 марта, қадим яҳудий, немис, испан, инглиз, француз, турк қисман рус ва ўзбек тилларига таржима қилинган ҳамда таржимаси чоп этилган.

Хўш кўпчилик эътиборини ўзига тортган бу асарнинг ўз қандай ва нима ҳақида? Асар қуйидагичадир:

1. Тил ҳақида илм. У етти бўлимдан иборат:

1.1. Якка ва содда сўзлар ҳамда гаплар ҳақидаги илм;

1.2. Мураккаб ва қўшма сўзлар ҳамда гаплар ҳақида илм (у билан боғлиқ нотиклик санъати ва стилистика).

1.3. Талаффуз қодалари ҳақида илм.

1.4. Тилнинг қонун ва қодалари ҳақидаги илм (содда ва қўшма сўзлар ҳамд гаплар, грамматика ҳам шунга киради).

1.5. Тўғри ёзиш қодалари.

1.6. Тўғри ўқиш қодалари.

1) Барча оддий ва мураккаб жисмларининг бошланиши яни бутун табиат учун умумий масалаларни ўрганиш.

2) Одий жисимларни ҳамда уларнинг мураккаб омилар ҳосил бўладиган қисм ва элементларни ўрганиш.

3) Табiiй жисмларни мавжудодларни уларнинг омиларни ва мураккаб жисмларнинг таркибий қисман айланишни урганиш.

4) Мураккаб акциденция ва ўзаро таъсирини ўрганиш:

5) Тартибий қисмлари бир жисмдан бўлмаган (минерал)мураккаб жисмлар ва предметларнинг иштироки билан ҳосил бўлаган предметларни ўрганиш :

6) Ўсимликларни уларни умумий хоссаларининг ҳар ҳиллигини ва улардан ҳар бирининг характерли хусусиятларини ўрганиш.

7) Ҳайвонларни уларни умумий хусусиятлари ,ҳар ҳиллиги ,руҳ қуввати ҳамда улардан ҳар бирининг характерли хусусиятларини ўрганиш:

8) Инсон унинг умумий хусусиятлари ҳар ҳиллиги, руҳ қуввати ҳамда улардан ҳар бирининг характерли хусусиятларни ўрганиш.

Ўргатиладиган предметнинг характерига қараб табиий фанлар ўз ичига саккизта илмни қамраб ўлади ,улар:профилактика,тиббиёт ,физикага кўра пигромантия,образлар тўғрисидаги илм агрокультура ,навигация,алкимийё

Фаробий фикрича табиий илмларни ўрганишдан олдин математика илмлари ҳақида тасаввуфга эга бўлиш керак.

Илоҳиёт ҳақида илм (ёки метафизика).Фаробийнинг фалсафий системасида муҳим ўринни тутган бу илмни кўпчилик тадқиқотчилар кўриб чиққанлар .Фаробий бу фанни илоҳиёт “ал илоҳий “деб атайди,лекин кўп ўринларда тушинтириш маъносида Арастунинг “Математика” “Мо баъда табиъа” яъни табиатдан юқори, устун турган нарсаларни ўрганувчи фан деб кўрсатади. Бу атамада (Фаробий, Ибн Сино, Ибн Рушд) метафизика Аристотель ишлатган маънода тушинтирилган. Худонинг мавжудлиги проблемасини ўрганиш ҳам бу илмнинг вазифасига

кирган бўлсада, бироқ у асосий масала бўлмаган. Худо метофизиканинг предмети ҳисобланган. Чунки у мавҳум, абстракт, умумий тушунчадир.

Метофизика уч қисмдан иборат:

1) Мавжудликнинг, яқин борлиқнинг энг умумий принципларни ўрганиш;

2) Аниқ назарий илмларда ,масалан мантиқ ҳандасада бошланғич принцип ва двлил бўлиб хизмат қиладиган бошланғич қоидаларни ўрганиш.Бунда аксиомалар, юза ,яккалик,хусусийлик,умумийлик ва бошқалар ўрганилади;

3) Жисмсиз ва жисмдан ташқарида бўлган мавжудотларни ўрганиш, бунда, аввало, материядан ажралган ва материядан ташқарида бўлган мавжудотлар умуман бўр йўқлиги тадқиқ қилинади. Бу ерда жисмсиз, моддадан ташқарида бўлган худо устида гап боради.

4) Шаҳар ҳақидаги илм илм мадина (ёки шаҳарни бўшқариш ҳақидаги, яъни сиёсий илм), юриспруденция ва калом.

5) Бу бўлимда ахлоқ, тарбия ва давлатни бошқариш масалалари текширилади.

1) Асослар илми (5 нарсани билиш: материя, шакил замон макон ва ҳаракат) .

2) Само яни фалак шакиллари ва фалак тузулиши.ериниш ҳаракти ва унинг сокинлиги.

3) Пайдо бўлиши ва йўқ бўлиши тўрт елемет ва уларга талукли барча нарсалар.

4) Астралогияга оид ҳаводаги ҳодисалар ҳақида.

5) Минералар(маъданлар)ҳақида.

6) Наботот (ўсимликлар) ҳақида.

7) Ҳайвонот ҳақида бу ҳозирги тушунчамиздаги тибби калерания насл илми қушларни ўрганиш ва бошқалар демакдир.

8) Метофизика ва бўлишади.

1) Ҳолиқни (Аллоҳни) унинг қудрати ва ишларини билиш.

2) Рухий бошланишлар ҳақида.

3) Нафсоний асослар ҳақида.

4) Сийосат ҳақидаги илм бешта : пайғамбарлик сиёсати маликалар сиёсати оммани бошқариш сиёсатига ҳос (алоҳида шахсга нисбатан бўлган) сиёсат ва шахси сиёсат.

5) Оҳират илми.

Шундай қилиб “ихвон Сафо” диний ва материалистик амалларини уйғулаштирилган.

Олимнинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн исҳоқ ибн Муҳаммад ибн исҳоқ ан-Надим баъзи манбаларда берилишича Абул Фараж Муҳаммад ибн Исҳоқ ан Надим ал Варроқ ал Бағдодий. Унинг исми Бағдодда яшаганлигидан далолат беради. Эҳтимол китоб ишлари билан отасига унинг сафар ва саёхатларида ҳамроҳлик қилган. Уни шиа масҳабига мойил бўлгани кўринади .Кўпгина манбаъларда унинг вафоти 990 991 йил деб берилган аммо у 995 1021 1022 йилларда ҳам ҳаёт бўлган деган хабарлар бор. Унинг энг машҳур асари “Фихрист” бундан ташқари .Ёкут ал Ҳамавий айтилишича олим яна бир асар ёзган .

Ибн Надим илимлар таснифи масаласини “Фихрист” да баён этган. Унинг бу асарини таҳлил қилганда фақат алоҳида илмларни эмас, балки уларнинг таснифини ҳам кўриб чиққанлиги аён бўлади .Бошланғич қисқа ҳолатда унинг Фихрист асари 4 бобдан иборат бўлиб ,”ислом тааллуқли бўлмаган илимлар” бағишланган эди. Унга фалсафа ва қадимий илмлар сеҳр ва ақл бовар қилмайдиган ҳодисалар ,дин тарихи ва масҳаблар, алкимё киритилган эди .Сўнгра муаллиф асарини “ислом илмлари” ҳисобига кенгайтирди, яъни уларга араб ва бошқа тиллар, грамматика лексиколография, тарих, адабиёт, шеърят, калом ва фикҳни қўшди.

Бундай кўриниб турибдики асарнинг кенгайтирилган шакли 10 мақоли,яъни бўлимдан иборат бўлиб,ҳар бир бўлим яна бир неча фан (боб)дан ташкил топган ва улар бир ёки ҳар қил илмларга бағишланган.

Улар ўзига хос барча илмларни ўз ичига оловчи мавсуъа (энцклопедия) туздилар.Мавсуъани улар фалсафий илмларга бағишладилар ва бунда улар ақл ва мантиққа асосланган илмларни назарда тутдилар ҳамда (илмларига) метофизика ва калом билан бир қаторда риёзиёт ва табиий фанларга таълуқли деб ҳисобладилар.Риёзиёт ва мантиққа 11, табиётга 17, метофизика 10,калом ва дин масалаларига 11 рисола бағишладилар.

Улар мавсуъасига руҳ ҳолати ёки билимни асос қилиб олган илмлар таснифини талқин қилишга ҳаракат бўлди.

Илмий санъатлар ҳақида номли рисолада илмлар уч кўринишига бўлинади. Биринчи кўринишдаги илмлар ҳаётини тартибга солиш ва дунёвий ишлар ҳақидаги илмлар бўлиб ,улар таъкидича процедификадр.Иккинчи кўринишга кирган илмлар шаърий илмлари бўлиб,улар инсон руҳини у дунёда нима кутаётганини кўрсатишини ўз предмети деб ҳисоблайди.Учинчи кўриниш фалсафа.

I.Проидивтика у ўз ичига 9 илмини қамраб олади яъни:

1. Ўқиш ва ёзиш илми.
2. Лексикография ва грамматика.
3. Ҳисобга олиш ва алмашлаш илми.
4. Шеър санъати ва аруз.
5. Сеҳр ва фол очиш,афсун қилиш.
6. Акимё ва моҳирлик.
7. Юлдузларга қараб тақдирни айтиш (астрономия) ва санъат.
8. Олди сотди илми тибб.
9. Тарих ,хабарлар,илму сийар (сийрат).

II. Шаръий илмлар олтита:

1. Қуръон.
2. Тафсар.
3. Пайғамбарлар ҳақида ривоятлар.
4. Фикҳ,суннат,насихат ва ҳукмлар илми.

5. Ваъз илми ,ваъда бериш,тасаввуф илми.

6. Туш таъбирлари.

III. Фалсафа тўрт бўлимга эга:

1. Риёзиёт,у ўз навбатида 4тага бўлинада.

1) Арифметика.

2) Ҳандаса.

3) Астрономия.

4) Мусиқа.

2. Мантиқ,у 5 га бўлинади:

1) шеърий санъатлар ўхшашлигини ўрганиш.

2) Хитоб қилиш (сўз) санъатини ўрганиш.

3) Диалектика санъатини ўрганиш.

4) Исбот қилиш санъатини ўрганиш.

5) Мунозара ва диалектикада хатоларни топишни ўрганиш.

Шундай қилиб,Ибн Надим таснифига туш таъбири,сеҳр каби илмларни киритиши ўз даври намояндаси эканлигидан далолат ,аммо бу асар ўша давр илмлари ва китоблари ҳақида бебаҳо манбаъ бўлиб хизмат ҳисобланади.

Таснифга оид X асрда яратилган яна бир асар “Жавомий ал улум “,(“Илмлар мажмуъалри”) муаллифи Шаййа ибн Фариғун.

Шаййа ибн Фариғун ҳақида маълумотлар жуда оз.У Афридун авлодларидан бўлган Фариғунийлар сулоласидандир.Унинг аждоди Жузжанон амири бўлган.Бу давлат Марваруз ва Балх орасида жойлашган.Фариғун машҳур Абу Зайд Аҳмад ибн Салҳ ал Балҳий (850-934) шогирди бўлганлиги ва амир Абу Али Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Музаффар учун “Жавомий ал-улум” (“Илмлар мажмуъи”) номли асар ёзган ҳамда шу асарда илмлар таснифи масаласини кўриб чиққанлиги маълум.

Унинг асари уч нусхада бизгача етиб келган ва энг яхши ҳолатдагиси Изкуриал кутибхонасида 950 рақами остида сақланади.

Ўша даврдв ,яъни Х асрга келиб илмларни иккига бўлиш анъанаси кенг тарқалган ва шу таълимот барча олимлар асарларида акс этган эди. Ушбу икки қисмни бирига “улум ал-қадимийа” ,”анъанавийилмлар”,(“улум ал-ислом”)ни ташкил этган араб тили, унинг асослари, услуби, Куръон тили ислом асослари кирган.Иккинчисига эса “улум ал-ажам”, ”араб бўлмаганлар илмлари” (“улум ат-табиа”, улум ал-аклиййа”), яъни риёзиёт, табиий фанлар, мантик, метофизика ва бошқалар кирган.

Назарий а) элемент ва модда (материя)га эга бўлган нарсаларни ўрганувчи – табиёт. б) материяда мавжуд бўлган нарсаларни ўрганувчи риёзиёт. в) элемент ва материядан ташқарида бўлган нарсаларни ўрганувчи илоҳиёт.Амалий а) этика (ахлоқ одамни бошқариш).б) уйшунослик (уйни бошқариш иқтисод).в) сиёсат (шаҳар,мамлакатни бошқариш).

Умуман олганда ал-Хоразмий таснифи Ибн Сино сурган ғояга мос тушади ва унинг умумий шакли қуйидагичадир:

I.Шариат ва у билан боғлиқ араб илмлари:

1. Фикҳ, яъни мусулмон ҳуқуқшунослиги.
2. Калом, яъни дин асослари.
3. Грамматика.
4. Иш юргизиш.
5. Шеърят ва аруз.

6. Тарих яъни муайян бир вақтдан бошлаб хабарларни қайдэтиб бориш илми.

II. Араб бўлмаган илмлар (юнон ва бошқа халқлар).

1. Назарий фалсафа:

а) табиий илмлар табиёт (тибб,самовий ҳодисалар, метеорология, минерология, алкимё, механика) қуйи:

б) риёзиёт илмлари (арифметика,ҳандаса, илман нужум, мусиқа)ўртача:

в) илоҳий илм,яъни метофизика- олий:

г) мантиқ.

II-Боб. Шайх-ур-Раъис Абу Али ибн Сино фалсафаси ва унда фанлар классификациясининг ўрни.

2.01. Арасту фалсафаси, унинг фанлар классификациясининг Шарқ фалсафаси, Ибн Сино қарашларига таъсири, аҳамияти.

2.02. Ибн Синонинг фанлар классификацияси ҳақидаги таълимотининг ўзига ҳослиги ва принциплари.

2.03. Ибн Синонинг фанлар классификациясининг универсал, фундаментал характери ва аҳамияти.

Ибн Сино фикрича фалсафанинг вазифаси мавжудаотни, яъни барча мавжуд нарсаларни, уларнинг келиб чиқиши тартиби, ўзаро муносабати, биридан иккинчисига ўтиши даражаларини ҳар томонлама ўрганишдн иборат. Унинг фикрича инсон билимлари реал объектив нарсаларни билиш орқали вужудга қлади. Инсон ақл турли илмларни ўрганиш ёрдамида бойийди ва у етукликка эринади.

Ибн Сино ижодида фаннинг структурасини текшириш билимларнинг тартиби аниқлаш, улар таснифини амалга ошириш алоҳида шрин эгаллайди. Тасниф масаласида у ал Форобий бошлаб берган илмлар таснифи ҳақидаги масалани янада чуқурлаштиради. Унинг “китоб аш-шифо”, “Донишманд” асарлари мантиқ, табиёт, риёзиёт, метафизика билимларига бағишланган ва уларда Ибн Синонинг тасниф масалаис ёндошиши акс этган. Айни пайтда илмлар таснифи масалари унинг ана шу мавуга бағишланган “Ақсом ал-улум ал-ақлийа” – “Ақлий илмлар қисмлари” асарида тўлиқ акс этганлигини зикр этиши жоиз. Бу асарда у асосан фалсафий илмлар тартибини, ўша давр анъанасига таянган ҳолда, икки қисмга назарий ва мамалмийг ажратиб баён қилади ва уларнинг эгаллашнинг якуний натижаси – ҳақиқатни билиш ҳамда фароғатга эришиш деб ҳисоблайди. Ибн Сино таснифи билан кенгроқ ва муфассалроқ танишадиган бўлсак, уни қуйидаги шаклда берилганлигини кўрамиз.

Назарий фалсафа у қуйидаги уч қисмдн иборат:

1. Қуйи илм табиёт бўлб, у борлиги ва сифатлари моддий, яъни матриал жисмлар (мавжудот) ва ҳаракат билан боғлиқ нарсалар билан шуғулланади. Унинг саккизта асосий қисмлари бор:

1.1. Табиатнинг умумий масалалари.

1.2. Олам асосларини ташкил этувчи жисмлар ҳолати.

1.3. Пайдо бўлиш ва йўқ бўлишни тушунб етиш.

1.4. Турли ҳаракатлар натижасида тўрт элементлар аралашуви олддан уларда ҳосил бўладиган ҳар хил ҳолатлар ҳақида.

1.5. Ноорганик дунё.

1.6. Ўсимлик дунёси.

1.7. Ҳайвонот дунёси.

1.8. Инсонни ва умуман ҳайвонот нафсини билиш.

Бу гуруҳ илмлар шунингдек етти шаҳобчага эга бўлиб, улар: тибб, астрология, физиогномика, тушлар таъбири илми, тилсимотлар илми, сеҳргарлик, алкимиёдир.

2. Ўртанча ном риёзиёт бўлиб, у мавжудлиги материя ва ҳаракат билан боғлиқлиги бўлмаган объектларни ўрганади. Унинг тўртта асосий қисми бор:

2.1. Сон ҳақидаги илм.

2.2. Ҳандаса.

2.3. Астрономия.

2.4. Мусиқа.

Ўртанча илмнинг ҳам бир неча шаҳобчалари бўлиб, улар: қзшиш ва айириш санъати, алгебра, ер ўлчами, механика, оғир юк кўтариш илми, ўлчаш илми ва тарози, аниқ асбоблар ҳақидаги илм, оптика, сувлар жойини ўзгартириш илми, астрономик жадваллар ва тақвимлар илми, ғаройиб асбоблар яшаш илмидир.

3. Олий илм – илоҳиёт деб номланиб, у мавжудлиги ва аниқланиши материя ва ҳаракат билан боғлиқ бўлмаган объектлар билан шуғулланади. У беш асосий қисмга эга:

3.1. Барча мавжудот учун умумий тушунчаларни билиш.

3.2. Табиий ва риёзиёт илмлари ҳамда мантиқ асослари ва бошланишлари таълимоти.

3.3. Биринчи ҳақиқат ва унинг яққалигини исботи ҳақидаги таълимот.

3.4. Биринчи ҳамда иккинчи маънавий субстанция (бош негиз исботи).

3.5. Само ва ердаги моддий субстанцияларни юқорида зикр этилган субстанцияга тобеълиги. Олий илм шаҳобчаларига ҳақиқат нозил бўлиши ва нафснинг қайтиши киради.

Амалий фалсафа. У ҳам уч қисмга бўлинади.

1) Фақат бир шахсга тааллуқли бўлган масалалар, яъни ахлоқ (этика) билан шуғулланиш.

2) Оила миқёсида мулоқотда бўладиган жамоа аъзоларининг ўзаро муомаласи, яъни уй юргизиш билан шуғулланиш.

3) Бир шаҳар ёки мамлакат миқёсидаги одамлар жамоаси, яъни сиёсат билан шуғулланиш.

Амалий фалсафа таркибига кирувчи бу илмларнинг ҳам асосий қисмлари ва шаҳобчалари бор.

Ибн Сино таснифидан кўриниб турибдики, у масалан Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийда бўлмаган баъзи бир билимларга, санъатга ҳам илм сифатида ёндошган. Мантиқни у “назарий ва амалий фалсафа илмларини эгаллашдаги инсон қўлидаги хатолардан муҳофаза қилувчи қурол” – дейди ва уни ўз таснифига киргизмаган ҳолда охирги ўринга қўяди.

Ибн Сино таснифи табиий илмларни чуқур ўрганишга муносиб ҳисса қўшди. Бу эса ўрта асрда Шарқда лғор фалсафий, табиий-илмий ва материалистик фикрларни ривожлантириш ҳамда олға суришнинг энг муҳим шакли сифатида акс этади.

Абул Ҳасан Али ибн Усмон Абу ал-Жулобий ал-Ҳужварий ал-Ғазнавий вафоти 1071 йилига яқин. У тасаввуф аҳлининг йирик намоёндаси. Ўзининг илмлар таснифига бўлган муносабатини “Кашф ал Маҳжуб ал-аброр ал-қулуб” (“Қалбий /билиш/ одамлари учун парда ортида беркитилганни очиш”) асарида баён қилган.

Ал Ҳужвирий тасниф масаласини “Кашф ал маҳжубил аброр ал қулуб” асарининг 12 бўлимидан иборат “Илмлар асослари ҳақида”ги биринчи бобида берган. Илмлар таснифини баён этишни Қуръон ва ҳадисдаги ана шу мавзуга оид оят ва далиллар билан бошлайди ҳамда илмларни ўрганиш диний вазифа эъас деб таъкидлайди. Мисол тариқасида юлдузлар ҳақидаги илм , ҳисоблаш, хитоб санъати, табибликни келтиради, лекин ушбу илмлар шариат томонидан бажарилиши лозим бўлган урф-одат билан боғлиқ деб таъкидлайди. Алоҳида диний урф-одатларни бажариш ҳақидаги илмни кўрсатади, қолган илмлар билан шуғулланувчиларни эса Тангри таҳқирлайди дейди. Аммо амалий илмларни қўллаб-қувватлайди.

Ал Ҳужвирий барча илмларни икки гуруҳга бўлади:

Тангри илми. У Аллоҳни сифатларини белгилайди.

Маҳлуқотлар ёки Аллоҳ қули (бандалари)нинг илми. Бу илм инсонларнинг хулқини ҳамда уларни Аллоҳ Таъоло кароматлари ва уни билишга интилишини белгилайди. Унинг асарида “билимнинг зоҳирий ва ботиний тамонлари икки қисмга:

Илдиз ва шўхчаларга бўлинади”- дейилади ҳамда шу атамаларни шарҳлайди ва асл илмнинг уч устунини тушунтиради. Улар:

Аллоҳ Таъоло моҳияти унинг яққалиги ва унга ўхшашлик кўрсатиш мумкин эмаслиги.

Аллоҳ Таъоло сифатлари ва унинг тавсифлари.

Аллоҳ Таъоло кароматлари ва ҳикматлари шариат ҳақидаги илм.

Шундан сўнг тасаввуфнинг машҳур намоёндаси Муҳаммад ибн Фазл ал Балхийнинг: “Илм уч қисмдан иборат ва у :”Илм Аллоҳдан”, “Илм

Аллоҳ билан”, “Илм Аллоҳда” сўзларни келтиради ва уларни шарҳлаб шундай дейди: “Илм Аллоҳдан” бу шариат илми “Илм Аллоҳ билан”-бу авлиёлар даражалари ва ҳақиқат йўлларининг мақомларининг илми,”Илм Аллоҳдан”-бу анбиё ва авлиёлар кароматлари.Хужвирий фикрича фикҳ ва шариат илмини билмаган ҳар бир инсон осийдир”, дейди.Шу ернинг ўзида Абу Йазид Бистомийнинг (вафоти 871 йил) “Илмга эга бўлиш қил кўприкдан минг маротаба ўтиш билан баробар “ мазмунидаги ўхшатишини келтиради.

Ибн Бажжа (1070-1138) ва Ибн Туфайл (1110-1185) каби андалузиялик перепатетиклардан бири Ибн Рушд ҳам маълум даражада тасниф масаласига ўз муносабатини билдирган.

Олимнинг тўлиқ исми Абул Валид Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Рушд. У 1126 йил Қурдубба (Қордова) шаҳрида туғилган.Илк ёшлигида ҳуқуқшунослик, араб адабиёти,тибб ва фалсафани эгаллаган.1153 йилда халифа Абдул Мўмин (1130-1163) топшириғи билан Марокашга боради.1168 йилда бошлаб у халифа Абу Якуб (1163-1184) хизматига ўтади.Ибн Туфайл маслаҳатига кўра Арасту асарларига шарҳ ёзади ва шу орқали шуҳрат қозонади.

XIII XIV асрларга келиб илимлар таснифига оид асарлар ёзиш бир оз камаяди, балки бу сабаби ўша давирларда яратилган асарларнинг хаммаси ҳам бизларга етиб келмаганлигидандир.Лекин бу бизнинг фикримизча, тасниф масаласига эътибор камайди дегани эмас. Балки бизгача етиб келмаган таснифга тааллуқли асарлар кўп бўлгандир. Ҳар қалай тасниф моҳиятини кўрсатишга иштиёқ ошса ошадики камаймади.

Бу тариқа таснифни баён этиш турли олимларда турлича фикр туғдиради.Улардан бири Насриддин Тусийдир.

Олимнинг тўлиқ исми –Муҳаммад ибн Муҳамад ибн Ҳасан Тусий. У 597/1201 йилда Тусда туғулган ва шу боис Насриддин Тусий лақаби билан машхур бўлган.Ўз даврининг билимдони ва ўқимишли кишиси бўлган, отаси ўғлига яхши билим беришига ҳаракат қилган. Айтишларича

Насриддин ёшлигида Қуръонни ёд олган, сарф ва наҳви эгалаган, сўнгра отасида ўқиб ҳуқуқшунослик ва маниққа киришиш, амакисидан эса фалсафани ўрганган. Билимларни мукаммалаштириш учун у Ишоннурга, бир оз ўтгач мўғил истеълосидан қочиб Кухистонга боради. Бу тахминан 1226 йил эди. Бироз фурсат ўтгач, Насридин Исмонлийлар подшоҳи Алоуддин Муҳаммад талабига мувофиқ унинг қасри Аламутга боради. Бу ердаги сарой зиддиятлари ва турли воқеалари туфайли у катта лавозимда ҳам, қамоқда ҳам бўлади.

1225-1226 йилларда Кухистонни Хулағухон босиб олади ва Тусийни қамоқдан озод қилади. Тусий Хулағухонга ўзининг билимини ва заковати билан таъсир этади ҳамда ундан Мароғин расадхонаси қурилишига пул ажратишга муваффақ бўлади. Тусий Хулағухон саройида умрининг охиригача қолади. У бир неча сафарларда бўлади. Хуросон, Кухистон, Бағдодга охирги сафарини Тусий 672/1272 йилда амалга оширган. Бу ерда у касал бўлади ва шу йилнинг ўзида вафот этган.

Илмий изланишлари унга бир қанча масалаларга материлистик ёдошишга ёрдам беради, яъни Юнон ва араб перинатетизми давомчиси бўлди. Билим масаласида у оламни билиши мумкунлиги нуқтаи назарида мустаҳкам туради.

Унинг 150 дан ортиқ асарлари бор. Улар фвлсафа, астраномия, ҳандаса, этика ва бошқа илимларга бағишланган. Улардан баъзилари:

Носирий этикаси.

Олийжаноблийлар сифатлари.

/Билим/олиш асослари.

Илмлар таснифи олимнинг “Асос ал-иктибос” ва “Ахлоқи Носирий” асарларида билиш, ахлоқ ва таълим, жамиятга ва унда яшаш шароидларига қарашлари орқали баён қилинади.

Унинг таснифи асосини илм предмети ташкил этади ва бир-биридан фарқи улар предметлари ёки бир предметни бошқага муносабатининг

фарқидадир.Қўпгина Шарқ олимлари каби у ҳам фалсафани назарий ва амалий қисмларга бўлади.

Назарий қисм мустақил уч бўлакка бўлинади. Улар метофизика, риёзиёт ва физика (табиёт). Ҳар бир бўлак ўз навбатида бир нечага бўлинади.

Метафизика мавжудлиги материя билан боғлиқ бўлмаган нарсалар ҳақидаги таълимот. Унинг икки негизи бор: а) Аллоҳ Таъолони билиш теология ; б) барча мавжуд нарсаларни билиш биринчи фалсафа , яъни пайғамбарлик , имомат, нариги дунёни билиш ва ҳ.к.

Риёзиёт материя билан боғлиқлигини ҳисобга олиш зарур бўлмаган нарсалар ҳақида таълимот. Унинг тўрт негизи бор: а) миқдорини билиш , унинг тавсири , икиламчи хусусиятлари - хандаса ; б) рақамлар ва уларнинг хусусиятларини билиш - арифметика; в) самовий ва ердаги жисмларнинг бир-бирига нисбатан жойлашишининг ўзаро муносиблигини билиш астрология ва астрономия ; г) товушлар муносабатлари ўлчови , улар орасида пайдо бўлувчи тиниш (пауза)ларни

Билиш мусиқа . Риёзиётини шунингдек оптика ,алгебра ,механика ва ҳ.к. шаҳобчалари бор.

Физика фақат материя билан боғлиқ ҳолдагина маълум бўладиган нарсалар ҳақидаги таълимот бўлиб , унинг 8 та негизи бор: а) замон, макон,ҳаракат каби ўзгаришлар бошланишини билиш - табиий абсолютлар ; б) содда ва мураккаб жисмлар , самовий ва ердаги элементлар хусусиятларини билиш само ва ер ҳақидаги илм; в) умумий материяга ўтувчи шаклларнинг таркибий жисмлари элементларини билиш – пайдо ва йўқ бўлиш илми ; г) чакмоқ , момақалдиروق , ёмғир каби самовий ҳодисаларнинг сабабларини билиш самовий ҳодисалар илми; д) мураккаб жисм ва улар таркибий қисмлари хусусиятини билиш минералогия илми; е) ўсувчи жисмлар , улар хусусиятларини билиш

ботаника ; ё) ирода натижасида ҳаракатланувчи жисмларни билиш – зоология илми; ж) нотик инсон нафсини билиш – психология .

Тусий мантиқни ҳам назарий илмларга таалуқли деган , лекин уни алоҳида ажратган ва ҳақиқатни аниқлаган ҳамда янги билимларни эгаллашларини умумий усул деб қараган .

Амалий фалсафа жамият фалсафаси уч мустақил бўлимга ажралади :

Ахлоқ фалсафаси баъзи нафслар ва улар табиатини тузиш .

Уй ишлари фалсафаси уй доирасида бўладиган муомала, оилавий маблағ ,унинг сарфи , эр- хотин муомаласи ва ҳ.к. (иқтисод)

Жамият фалсафаси шаҳар , вилоят . мамлакат миёқсидаги жамият , уни мавжудлиги, ичидаги муомалалари (сиёсат).

Кўриб ўтилган таснифда , яъни Тусий асарларида диний қоидалар акс этган илмларга ўрин ажратилмаган.

Тусий таснифининг моҳияти фалсафани қайта тиклашга бағишланган. Шу билан у Ибн Сино ғояси илм предмети , яъни илмлар ўзаро муносабатини қўллаб чиққан.

Илмлар таснифига материалестик ёндошган яна бир ўрта асрлик олим Ибн Халдундир.

Абу Зайд Абдур Раҳмон ибн Муҳаммад ибн Халдун. 1332 йили Турисда туғилган. Шу ерда ёшлигини ўтказади .Отаси ва руҳонийлар раҳбарлигида Қуён ,хукуқшунослик, фикҳ, сарф ва наҳв ҳамда адабиётни ўқиб ўзлаштиради. 16 ёшда етим қолади ва Шимолий Африкада ҳамда Испания шаҳарларида Мағрибнинг ўша даврдаги турли ҳокимлари қўлида хизмат қилади. Бу шаҳарлар Фес, Андалос, Бискре. Таламсон, Ибн Салмон қалъаси .Қоҳира, Дамашқ эди.У1406 йилда Қоҳирада вафот этган .

У бир неча асар муаллифи бўлиб, тарихга оид катта асари “Ғарб ва Шарқ бўйлаб саёҳат “ҳамда унга “Муқаддима “ ёзган.

У тасниф масаласини “Муқаддима” асардаги махсус бўлимда кенг баён қилади. Барча илмларни у икки гуруҳга ажратади.

Мантиқ.

Табий илмлар: 1) тибб. 2) қишлоқ хўжалиги.

Илоҳий илм- метафизика: 1) сеҳр ва тилсимотлар илми. 2) араб алифбоси ҳарфлари моҳиятининг сирлари. 3) алкимё.

Риёзиёт илмлари:

Ҳандаса. Унинг қўйидаги шаҳобчалари бор: а) чизиклар ва жисмлар сатҳларини ўлчаш; б) конус ва ҳажимли жисмларни ўлчаш ; в) майдонларни ўлчаш;

Рақамлар ҳақидаги илмлар. Унинг қўйидаги шаҳобчалари бор: а) арифметика; б) ҳисоб санъати; в) алгебра; г) тижорат, қаср, илдиз ва ҳ. к.; д) мерос бўлиш;

Муסיқа. Унинг қўйидаги шаҳобчалари бор: а) оҳанг, товуш, ритм; б) ашула айтиш санъати;

Астрономия. Унинг қўйидаги шаҳобчалари бор: а) юлдузлар ҳаракати; б) астрономик жадваллари (зиж) тузиш; в) астрология.

II. Анъанавий илмлар.

Бу гуруҳдаги барча илмлар асосларини диний илмлар ташкил этган бўлиб, Қуръон, Суннат уларнинг манбаълари сифатида хизмат қилади. Унинг фикрича шаръий илмлар саккизта ва улар қўйидагилар:

Қуръон талқини илми.

Қуръон ўқиш илми.

Ҳадислар илми.

Фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги) илми.

Мерос бўлиш илми.

Калом илми.

Тасаввуф илми.

Туш таъбири илми.

3. Муסיқа илми. Унинг рақс ва оҳанглар каби бўлимлари бор.

III. Қўйи илм – табиёт илми.

1. Табиёт мавжудлиги ҳақидаги илм. 2. Само ва олам ҳақидаги илм. 3. Пайдо бўлиш ва йўқ бўлиш ҳақидаги илм. 4. Самодаги ўзгаришлар

ҳақидаги илм. 5. Маъданлар ҳақидаги илм. 6. Ўсимликлар ҳақидаги илм. 7. Ҳайвонот ҳақидаги илм. 8. Инсон ҳақидаги илм.

Табиётнинг ушбу саккизта илмларга тааллуқли бўлган тибб, анатомия, доришунослик, жарроҳлик, суяк жойига қўйиш, хаммомга тушиш, астрология, фол, тилсимлар, ветеринария, қушлар ҳақидаги, деҳқончилик каби ўттиз бешта бўлими бор.

Амалий фалсафа.

I. Ахлоқ илми. Унинг ўзини тутиш ва киши ҳолатлари ҳамда дарс ўқиш каби бўлимлари бор.

II. Уй юргизиш.

III. Сиёсат илми. I. Сиёсат илми. У маликалар ва султонларга тааллуқли. 2. Номуслар илми. У пайғамбарлик ва шариатга тааллуқли. Унинг бўлимларни сифатида армия ва унга тегишли барча тадбирларни қайд қилиш мумкин.

Ғайри ҳикмий илмлар.

Диний илмлар.

I. Калом.

II. Қироат.

III. Ҳадис илми: 1. Ҳадис асослари. 2. Ҳадис билимлари.

IV. Фикҳ илми: 1. Фикҳ асослари. 2. Фикҳ бўлимлари.

V. Меросни тақсимлаш илми.

VI. Шартлар илми.

VII. Хилофлик илми.

VIII. Баҳс илми.

IX. Фикр юритиш илми.

X. Даъват илми.

XI. Тасаввуф илми: 1. Ҳақиқат. 2. Сулук 3. Тарикат.

Диний бўлмаган илмлар – одоб илмлари.

I. Хат (ёзиш) илми.

II. Тил ҳақидаги илм.

III. Мақоллар илми.

IV. Сўз тузилиши илми.

V. Морфология.

VI. Синтаксис

VII. Бошқотирмалар (жумбоқлар) илми.

VIII. Маъоний илми.

IX. Баён илми. 1. Муаммолар. 2. Топишмоқлар. 3. Девонлар.

X. Бадиъ илми.

XI. Аруз илми.

XII. Қофиялар илми.

XIII. Шеър ёзиш илми.

XIV. Иншо (наср ёзиш) илми.

XV. Ёзилган хатлар (китоблар, рисоалар) илми.

XVI. Ижро (тўлиқ бажариш) илми.

Ал-Маккий ўз таснифида келтирган илмларнинг сони 125 тадан кўпроқ бўлиб, ҳажми жиҳатидан Тошкўпризода ва Ҳожи Халифа асарларида кейинги ўринни эгаллайди. Ал Маккий таснифи ўз даврининг энг мукаммал илмлар таснифларидан бири ва биз ўрганиб чиққан рисоаларимиз орасида Ҳиндистонда яратилган ягона асардир.

Илмлар таснифига ёндошуви турлича бўлган муаллиф сифатида Муҳаммад Али ибн Али ат-Таҳонавийни зикр этиш мақсадга мувофиқдир. У ўзининг "Кашшоф истилоҳот ал-фунун" ("Фанлар атамаларин тадқиқ қилиш") номли асарида барча илмларни икки катта гуруҳ "араб илмлари" ва "ҳақиқий илмлар"га бўлади.

Араб илмлари ўз ичига адабиёт ҳақидаги илм ва диний илмларни қамраб олади.

Ат-Таҳонавий араб илмлари таркибидаги адабиёт илмларини тушунтиришда уларга қуйидаги нуқтаи назарлардан келиб чиқиб ёндошади:

1. Лексика (сўз) нуқтаи назаридан араб илмлари учта бўлади. Улар: шакл жиҳатидан – тил ҳақидаги илм, тааллуқоти жиҳатидаи морфология, шох жиҳатдан – сўз тузилиши илми.

2. Таркибий нуқтаи назардан араб илмлари ўн иккита бўлади. Улар: синтаксис, маъоний илми, баён илми, аруз илми, қофия илми, хат илми, шоирлар аруз илми, насрий асарлар ёзиш илми, маърузалар ўқиш илми, тарнх илми, бадиъ илми, балога илми.

3. Мақсад нуқтаи назаридан араб илмлари ўн та бўлади. Улар: тил ҳақидаги илм, морфология, маъоний илми, баён илми, бадиъ илми, аруз илми, қофиялар илми, синтаксис, ёзиш қонун-қоидалари илми, ўқиш қонун-қоидалари илми.

4. Ўзаги нуқтаи назарилан араб илмлари саккизта бўлади. Улар: морфология, синтаксис, маъоний илми, баён илми, бадиъ илми, балога илми, аруз илми, қофия илми.

Диний илмлар ўз ичига қуйидаги тўққиз илмни қамраб олади: калом, тафсир, Қуръон қироати илми, иснод илми, ҳадис, фикҳ асослари, фикҳ, меросини тақсимлаш илми, ҳулқ (ўзини тута билиш) илми.

Ҳақиқий илмларга ат-Таҳонаий қуйидагиларни киритади:

1. Мантиқ. Мантиқ тўққиз бўлимдан иборат бўлиб, асосан Арастунинг шу соҳадаги у ёки бу асарини баён қилади.

2. Ҳикмат ҳақидаги илм (фалсафа). Ҳикмат илми ҳар бири ўз илдиз ва шоҳлари бўлган ҳамда учтадан илмларни қамраб олувчи амалий ва назарий қисмларга бўлинади.

Ҳикмат илми (фалсафа) шакл жиҳатидан қуйидагича:

I. Амалий ҳикмат илми. 1. Ахлоқ. 2. Уй юргизиш. 3. Сиёсат.

II. Назарий ҳикмат илми. 1. Илоҳиёт илми. 2. Риёзиёт илми. 3. Тиббиёт илми.

Илоҳиёт илмининг беш илдизи ва икки шоҳи бўлиб, у, муаллиф фикрича, ана шу мавзунинг барча жабҳаларини ўз ичига қамраб олади.

Риёзиёт илмининг тўрт илдизи (ҳисоб, ҳандаса, астрономия, мусиқа) ва олти шоҳи бор. Шунингдек ҳар бир илдизнинг, яъни илмнинг, ўз навбатида бир неча шоҳлари бор. Масалан, риёзиётда, яъни ҳисоб илмида икки, ҳандасада ўн, астрономияда олти шоҳ мавжуд.

ХУЛОСА

Фанлар классификацияси ҳамма даврларда Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам ўта зарур, долзарб муаммо бўлиб келган ва илм-фан, фалсафа тараққиётида катта фалсафий умумлаштирувчи ва методологик аҳамият касб этган бўлиб, бу фан тарихидан ҳаммага маълумдир.

Маълумки Арасту қомусий ақл эгаси сифатида ўз даврида баъзи фан соҳаларига асос солди ва ана ўша фанларнинг ўзига хос қонун ва категорияларини ишлаб чиқди. Шу билан биргаликда у илгари сурган ва асослаб, системалаштириб берган фанлар классификацияси, ғоя, принциплари, Қадимги Шарқ, Юнонистондаги илм-фан тараққиётининг минг йиллик тараққиётини фалсафий умумлаштириб тузилган ва кейинги илм-фан фалсафа тараққиёти учун методологик аҳамиятга эга бўлган эди. Ўз навбатида Ибн Синонинг фанлар классификацияси ҳам ўзидан олдин ўтган, Арастудан сўнг қарийб 1300 йиллик фан тараққиётини қайтадан фалсафий умумлаштириш, хулосалаш асосида яратилган ва ўзидан кейинги янги 1000 йиллик илф-фан фалсафа тараққиёти учун методологик аҳамиятга эга бўлган эди.

Арастунинг фанлар классификацияси илк бора мантиқийлик, системалилик ва исботлилик, самарадорлик принциплари асосида қурилган, ўзидан олдинги диний-мифологик тасаввурлар ҳукмронлигига чек қўйган эди. Ибн Сино эса ўз классификациясида ана шу Арасту яратган, асослаб берган рационал-мантиқий фанлар классификацияси фанлар принципларини янада чуқурлаштирди, уни кучайиб кетаётган дин, илоҳиёт маънавий зўравонлигидан ҳимоя қилиш, илм-фан фалсафанинг эркин ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, ҳамда илм-фан тараққиётида эксперимент, тажриба, миқдорий таҳлили ва ёндошишнинг кучайиши учун методологик асос яратди, бу эса ҳозирги илм-фан, техника тараққиёти учун асос бўлади.

